



Тошкент шаҳар болалар фтизиатрия

шифохонаси бош шифокори

 Д.И.Аббасова

” \_\_\_\_\_ 2022 йил

## ТЕХНИК ҚИСМ

### АСОСИЙ ТЕХНИК ШАРТЛАР

1. Харид қилиш объектнинг номи: Тошкент шаҳар болалар фтизиатрия шифохонаси беморларига кунига 5 маҳал парҳез овқатланишини тайёрлаш бўйича хизматлар кўрсатиш.

Аутсорсер парҳез таомларини Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни Сақлаш вазирлигининг амалдаги буйруқлари асосида сифатли ҳамда, ўз навбатида, Буюртмачининг парҳез ҳамшираси талаблари асосида тайёрлаб ушбу Шифохона ҳудудига иссиқ ҳолда ўз вақтида етказиб бериши шарт.

Аутсорсер ташкилотининг бош ошпази, ёрдамчи ошпазлари ва ишчи хизматчилари тиббий кўрикдан ўтган бўлиши, шу билан бирга вакцина олган бўлиши шарт.

Аутсорсер ташкилотининг бош ошпази, ёрдамчи ошпазлари ва ишчи хизматчилари айнан шу парҳез таомларини тайёрлаш бўйича камида 3 йил иш стажига ва сертификат ёки дипломга эга бўлиши шарт.

Аутсорсер ташкилотининг ўз ҳисобида айланма маблағлари парҳез таомларни тайёрлаш мақсадида озиқ-овқат махсулотларини сотиб олиш учун етарли бўлиши шарт.

Танловда қатнашаётган Аутсорсер солиқ ўрганларидан “Қарздорлиги мавжуд эмаслиги тўғрисида” маълумотномаси бўлиши шарт.

Танловда қатнашаётган Аутсорсер ўз фаолиятини амалга ошираётган “фаолиятини бошлаган кундан шу кунгача” банкдан айланма маблағлари тўғрисидаги маълумотномасининг бўлиши шарт.

Танловда қатнашаётган Аутсорсер ўз навбатида унинг штатида диет ҳамшираси бўлиши шу билан бирга Шифохонада даволанаётган беморларни қайси диет стол бўйича парҳез таомларни тайёрланишини билиш шарт.

Хизматларни кўрсатиш муддати: Шартнома тузилган пайтдан бошлаб 31.12.2022 йилгача.

## 2. Кўрсатилаётган хизматларнинг қисқача тавсифи.

2.1. Аутсорсер парҳез овқатланишини тайёрлаш учун зарур бўлган хизматларнинг бутун мажмуасини ўз ичига олган диетали тиббий овқатланишни тайёрлаш бўйича хизматларни кўрсатиши керак, хусусан: маҳсулотларни сотиб олиш, барча санитария-гигиена қоидаларига ва меъёрларга риоя қилган ҳолда парҳезли тиббий овқатланиш рационини тайёрлаш.

## 3. Хизмат кўрсатишга қўйиладиган умумий талаблар.

3.1 Хизматлар сифати ушбу спецификация талабларига жавоб бериши ва беморларнинг соғлиқни сақлаш муассасасида бўлиш вақтида мувозанатли овқатланишга бўлган барча эҳтиёжларини, шу жумладан озуқа моддалари ва энергияга бўлган физиологик эҳтиёжларини қондириши керак.

3.2 Аутсорсер озиқ-овқат маҳсулотларини, шу жумладан тез бузиладиган ва айниқса тез бузиладиган маҳсулотларни омборда сақлашда ишлаб чиқарувчи томонидан белгиланган яроқлилик муддати, ҳарорат ва намлик шароитлари ва озиқ-овқат маҳсулотларини сақлаш шартларига риоя қилиши шарт ва норматив ҳужжатлар талабларига жавоб беради.

3.3. Пудратчи хизматлар кўрсатишда Ўзбекистон Республикасининг санитария қонунчилигига риоя этилишини, умумий овқатланиш учун маҳсулотларни талаб қилинадиган ҳажмларда етказиб беришни кафолатлайди.

3.4 Ошпазлар учун Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан берилган малака сертификатларининг мавжудлиги.